

---

## МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?..

### **Муддатидан олдин овоз бериш тартиби!**

- Муддатидан олдин овоз бериш фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим мезони ҳисобланади.
- Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериши мумкин.
- Сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилган ариза асосида участка сайлов комиссиясига мурожаат қилади ҳамда сайлов бюллетенини олиб, овоз беришни амалга оширади.
- Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади.
- Муддатидан олдин овоз бериш сайловга уч кун қолганида тугалланади.
- Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

2019-12-14 05:43:19